



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 15 май, № 98 (4761)

Жума

ОИЛА — ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ



Хосен ПАЙДОВЕВ олган сурат.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила мавқеини юксалтириш, мустақамлаш давлат сиёсати даражасидаги доимий вазифалардан бирига айланди. Оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантиришга ва энг аввало, унинг манфаатларини қонуний муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратилди.

Конституциямизда унга бағишланган алоҳида боб киритилди. 1998 йилда эса Оила кодекси қабул қилинди. Унда оиладаги маънавий ва моддий мажбуриятлар, эр-хотин ўртасидаги мулк муносабатлар ўз ҳуқуқий асосини топади. Юртимизда 15 май — Халқаро оила куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда бу борадаги муваффақиятларимиз хақи равишда эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, инсон ҳаётининг ибтидоиси — оила. Одамодда хос жамки хислату фазилятларнинг оила муҳитида шаклланиши, камол топиши ҳам барчамизга маълум ҳақиқат. Шу боиски, оилани муқаддас санаيمиз, оилани улуғлаймиз, эъзозлаймиз. Бинобарин, оила, аввало, ҳаёт, вақт бардавомлигини, қолаверса, асрий қадриятларимиз умрбоқийлигини таъминловчи муқаддас гўшадир.

Бундан қарий ўн икки йил муқаддам, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг беш йиллиги муносабати билан ўтказилган йилгида Юртимизимиз "Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас саналган. Агар оила соғлом ва мустақам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустақам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради", деб алоҳида таъкидлаган ва 1998 йили "Оила йили" деб номлаш таъаббуси билан чиққанди. Шу йил муносабати билан

Нигоҳ

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом Каримовнинг
"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини,
Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг
йўллари ва чоралари" китоби Франциянинг
«Georama editions» нашриёт уйи томонидан
француз тилида чоп этилди.

ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонасида мазкур китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Франциянинг расмий, парламент, иқтисодий, эксперт-таҳлилий доиралари, ЮНЕСКО, Парижда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуслари ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Маросимда сўзга чиққан таниқли французлик сиёсатшунос, «Pantheon Assas Paris II» университетининг профессори **Ж. Барр** Президент Ислом Каримовнинг кўп томонлама таҳлилга бой бўлган ушбу асарининг афзаллиги унда мавжуд далиллар ифодаланиши ҳамда муаммонинг ечимига ҳалигача халқаро экспертлар ва мутахассислар эътибор қаратмаган томондан ёндашишида эканлигини қайд этди. "Бундай мулоҳазалар пухта ўрганилмоғи ва дунёнинг жадал сурьатлар билан ўзгариб бораётгани шароитида юзага келиши мумкин бўлган муаммонларнинг ечимини сифатида эътиборга олинолмоғи зарур.

Асар икки даврий жиҳатни ўзида акс эттиради. Биринчи навбатда, унда жаҳон инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири кўрсатилган, иккинчидан эса, китобда кенчаётган жаҳон инқирозини, унинг оқибатлари таҳлил этилади ва ундан чиқишга оид халқаро даражада кўриб чиқиши мумкин бўлган тақлифлар берилди. Интеллектуал нуқтаи назардан қараганда, ушбу асар катта аҳамиятга эга, чунки у Ер юзюнда 1929 йилдан бўён содир бўлмаган энг йилрик инқирозни юзага келтирган ва унинг ривожланишига туртки бўладиган омиллар ҳамда

ҳодисаларнинг прагматик ва чуқур таҳлил этилиши намунасиридир".
Ж. Баррнинг фикрига кўра, Ўзбекистон раҳбарининг китобида мамлакатнинг истиқболли келажаги таъсирланган. Ўзининг ахборот бериш ва замонавий иқтисодий-таҳлилий аҳамиятидан ташқари, асар ифода тарзининг мантқийлиги, шунингдек, ҳам услубий жиҳатдан, ҳам мазмунан фавуқлодда аниқ-содаллиги билан ажралиб туради.

— Президент Ислом Каримовнинг китоби орқали биз Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий келажагига ишонч билан назар солиш имкониятига эга бўлдик, — дейди французлик сиёсатшунос. — Асар эртанги кун сари руҳлантиришга хизмат қилади. Биз французлар, унда айнан тарихимизнинг мураккаб даврларида хис этган шижоат ва интилувчанлиқни кўрамиз. Масалан, ўз вақтида генерал де Голь бешафқат воқеликни очиб берган ва бизни ёрқин келажакка ишонтирганди. У кучли ва буюк давлат номидан бу кунги мамлакатни бирлаштириш учун зарур бўлган йўлни кўрсата олган улкан эътиқодли буюк арбоб эди.

Ўзбекистон Президенти китобида билдирилган мулоҳазалар биз, французларга генерал де Голнинг меҳнатларини, қисқаса айтганда, голлист тўхсанини эслатади. Бундай тўхсани биз рад қила олаймиз.
Сиёсатшунос, Гавр институтининг халқаро муносабатлар факультети ўқитувчиси Пьер Шабаль ўз нуқтаи кўидаги фикрларини билдирди:

— Президент Ислом Каримов асари "Жаҳон

(Давоми 2-бетда).

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга кўра, АН1N1 гриппи вируси ҳозирга қадар дунёнинг унлаб мамлакатларига тарқалиб, мазкур касаллик қўпалар инсонлар ҳаётига хавф солмоқда.

ПРОФИЛАКТИК ЧОРАЛАР САМАРАСИ

Айни пайтда ушбу хасталик вирусини юртимизга кириб келишининг олдини олиш, унинг тарқалишига йўл қўймайлик чоралари кўришмоқда. Хусусан, Наманган вилоятида ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Аҳоли ўртасида кенг миқёсда тушултириш ва тарбият ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, аҳоли гавжум жойлар, таълим-тарбия муассасалари, чегарага яқин ҳудудларда кучли санитария назорати ўрнатилган.

— Гарчи бу хасталик мамлакатимизда қайд этилмаган бўлса-да, ҳар биримизни ниҳоятда хушроқ ва оғоҳ бўлишимиз керак, — дейди вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг бўлим мудири Исмоилжон Қозоқов. — Айни пайтда қадар Наманган аэропорти ҳамда вилоятнинг чегара ҳудудларидаги божхона масканларида санитария-карантин ишлари кучайтирилган тартибга ўтказилди. Бу борада фаолият олиб бораётган махсус гуруҳ таркибига малакали мутахассислар бириктирилиб, улар ҳамма кийимлари, зарур тиббий анжомлар, дори-дармонлар ҳамда зарарсизлантирувчи воситалар билан таъминланди.

Вилоят давлат санитария-эпидемиология маркази ҳузурида АН1N1 вирусининг ҳудудга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича махсус штаб ташкил этилди. Бу ерда вилоятда олиб бораётган профилактик чораларнинг мундариғи таъминланди, умумий аҳоли таҳлил этилмоқда.

Маълумотларга кўра, тиббиёт ва санитария хизматининг икки ярим миң нафарга яқин ходимлари томонидан кунига 30 миңга яқин хонадонда, шунингдек, ўқув даргоҳлари, йилрик қорхона ва ташкилотлар, муассасаларда назорат, профилактика тадбирлари, тушултириш-тарбият ишлари ўтказилди. Ана шундай сабаблардан сарфасанлар, уларнинг ушбу юқумли касаллик йўлига ишончли тўсиқ қўйилмоқда.

Акрамжон САТТОРОВ,
ҲАД мухбири.

ОНА ЮРТ ТАРАННУМИ

Ватанга садоқат, она-юртга муҳаббат ҳисси қалбдаги энг бебаҳо туйғудир. Шоирлар она-Ватанга садоқат мавзусини оташин мисраларда мадҳ этса, истеъдодли ҳофизлар бунинг дилбар наво, соҳир овоз ила куйлайди. Шуниси ҳам борки, Ватан қалбда сўз айтмоқ, она-юртга муҳаббатни тараннум этмоқ осон юмуш эмас. Бунинг ўзига яраша масъулияти, юки бор. Зеро, Ватан мадҳи куйга солинганда у юракларга йўл топа олиши лозим. Бундай бетакорор санъат асарлари ёш авлод қалбда ўзи тугилиб ўсган маконини улуғлаш ва уни кўз қорачиғидек асрашга интилиш ҳис-туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг унинг-ўсиб келаётган ёш авлодини Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида қабул қилинган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги амалий сабаб-ҳаракатлардан бири бўлди. Ватан тақдирини унинг дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган мазкур ҳужжат маънавий юксалиш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Негаки, танловда санъат оламига кириб келаётган иқтидорли ёшлар ихросидаги ор-номус, қадр-қиммат, гурур ва ифтихор каби олижаноб туйғуларни тараннум этишдаги кўшиқларда алоҳида эътибор қаратилиши кўзда тутилган.

Танловда миллий қадриятларимиз, улуг аждодлардан мерос бебаҳо ижод намуналарини куйга солиб, уни маҳорат билан ижро этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу ж и х а т ёшларимиз фель-атворидида улуг бобоқалонларимизга хос инсонийлик хислатларини шакллантиришга қодир. Чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрадиган бўлсак, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Машираб, Мўминий сингари алломаларимиз ижодига дахлдор шеърый мисралар замирида чин ватанпарварлик туйғуси, киши қалбини эзгу хисларга ошурта эттувчи бетакорор мазмун-моҳият муҳассам. Шу маънода, бугун оммавий маданият унсурларининг ёшларимиз дунёқарашига

таъсири инобатга олсак, асл миллий қадриятларга ҳамоҳанг мунотос асарлар қиммати ва уларнинг тарбиятчи нечоқлиқ муҳим эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Асл санъат асарини куйга солиб ижро этиш ҳам алоҳида масъулият билан ёндашушни, санъаткорона маҳоратни талаб этади. Бу борада тажрибали ижодкорлар, малакали устозларнинг ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиши бекиёб аҳамиятга эгадир. Президентимиз қароридида айни жиҳат эътиборга олинди. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловини юксак савияда ўтказиш учун э л а р д оғидаги санъаткорлар, шоирлар ҳамда малакали мутахассисларни жойларга ижодий сафарга юбориш кўзда тутилган. Бинобарин, танлов баҳона юртимизнинг энг чекка ёш ҳудудларида истиқомат қилаётган ёш истеъдод соҳиблари кашф этилиб, уларнинг ноб ёш иқтидорини юзага чиқариш ва санъат соҳасида устоз-шоғирд аниқасини янада ривожлантиришга эришилади. Чунки танловда профессионал ижодкорлар билан бир

қаторда, ҳаваскор бадий жамоалар, ансамбллар, мактаб, олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ва кўриқда иштирок этиш истағидаги барча ижодкорлар қатнашиши мумкин. Мамлакатимизнинг турли гушаларида маҳоратли санъат усталарининг сафар қилиши эса санъатта иштиқоманд бу ижодчилар яратган куй-қўшиқларнинг бадий савиясини юксалтиришга, иштирокчиларнинг санъатга бўлган қизиқишини янада кучайтиришга муносабат ҳисса қўлиши, шубҳасиз.

Ҳар бир миллат ўз ўтмиши, бетакорор миллий қадриятлари билан эъзоз эҳтиромга муносибдир. Шу маънода, бугун халқимиз бой маънавий меросини асраб-авайлаш, миллий санъатимиз ютуқларини ёшлар онгу шуурига сингдириш ҳар жиҳатдан зарур. Қомил ишонч билан айтиш мумкинки, бебаҳо маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, истеъдодли ёшларни рағбатлантириш борасидаги бундай эзгу сабаб-ҳаракатлар ёшларимизнинг жаҳон миқёсидаги ютуқ ва муваффақиятларига замин ҳозирлаб, санъатта ихлосманд дилларга қанотбахш орзу-ниятларни жо этади.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон ҳаққ шоири.

Ягонасан, муқаддас Ватан!

Мамлакат бўйлаб

Интеллектуал мулк муҳофазаси

Нукусда "Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофаза қилиниши" мавзюда семинар бўлиб ўтди.

Унда ихтирочилик ва рационализиаторлик ишланмалари учун патент олиш бўйича қонун-қоидалар тўғрисида тушунчалар берилди.

Иқтидорли ихтирочиларни ҳуқуқий химоялаш, меҳнатларини қадрлаш, уларга ўз ҳуқуқларини муҳофаза қилишлари бўйича ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда олий ўқув юрталари ўқитувчилари, тадқиқотчилар, патентчилар ва талаба-ёшлар қатнашди.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бахт кошонаси

Андижон шаҳрида яна бир муҳташам кошона — "Бахт уйи" фойдаланишга топширилди.

Мазкур мажмуа "Андижонтранстаъмирқурилиш" савдо-ишлаб чиқариш корхонаси бинокорлари томонидан барпо этилди. Унинг атрофи кўкаламзорлаштирилди. Фаввора барпо этилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Инвестиция дастурининг ижобати

2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида республикамизда Инвестиция дастури доирасида барча молиялаш маънавий жиҳобидан ўзлаштирилган капитал қўйилмаларнинг ҳажми қўбсий нархларда



Утган даврда бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари жамғурувлар маблағлари, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли ва корхоналар маблағлари ушунчи таъминланганлигини тўғрйли шундай ижобий натижага эришилди.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

Навоий давлат кончилиқ институтидида меҳнат бозори ўтказилди.

Ёш мутахассисларга талаб катта

Худуддаги Навоий металлургия комбинати, "Навоийазот", "Электромех" ОАЖларнинг етакчи мутахассислари ўтказган суҳбат якунларига кўра, институтни жорий йилда тугалаётган турт юзга яқин ёшга ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Таъкидлаш керакки, ушбу таълим даргоҳида иқтисодчи, энергетик, машина-механизмлар бошқаруви бўйича мутахассислар етишиб чиқмоқда.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Жиззах филиали Кишлоқ таракқиети ва фаровонлиги йилда олиш кишлоқлар аҳолисига намунали почта хизмати кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Аҳолига қулайлик

Яқинда филиалнинг Фориш, Зафаробод, Пахтакор туманларидаги почта алоқа тармоқлари "Дамас" автомобиллари билан таъминланди. "Кўчма алоқа" бўлимлари кишлоқларга хат-хабар, газета-журналларни ўз вақтида етказиш билан бирга, жойларда аҳолидан коммунал тўловларни ҳам қабул қилади.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳсулот сифати ва салмоғи ортади

Бухоро давлат университетидида тўқимачилик санъати учун сувда эрувчи полимерлар асосида қорин сафарали оқорлаштирувчи ва қуюқлаштирувчи полимер композициялар олиш технологияси яратилди.

Мазкур технология техник мақсадларда қўлланиладиган крахмал ва унинг маҳсулотлари сарфини кескин камайтиради. Оқор тайёрлашда эса қўшимча технология жарайнлар талаб этилмайди, калава ипнинг мустаҳкамлиги 10-15 фоизга ортади. Бунинг натижасида дастгоҳларда меҳнат унумдорлиги 1,5-2 баравар кўтарилади. Полимер композиция эритмаси юқори барқарорликка эгаллиги, узоқ вақт ўз хусусиятларини йўқотмаслиги билан аҳамиятлидир.

О. ПАРПИЕВ.

ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шариоитида уни бартараф эттириш йўллари ва чоралари" деб номланган чуккур маъно касб этади. Ўзбекистон раҳбарининг глобал инқироз таъсири ва оқибатлари, шунингдек, айнан Ўзбекистон шариоитида унинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларини чуқур таҳлил этгани муҳим аҳамиятга эга.

Инқирознинг Ўзбекистонга таъсири камроқ бўлган экан, бунда ўзига хос сабаблар бор. Биринчидан, банк тизими яхши йўлга қўйилган, унинг самарали фаолияти таъминланган, аҳолининг мамлакат банкларига ишончи юқори, иккинчидан, банклар фаолияти устидан самарали назорат ўрнатилган, учинчидан эса, мамлакат банкларининг ташқи омиллардан қарзи жуда кам даражада.

П. Шабалининг таъкидлашича, «Ўзбекистон Президентининг ўтиш даврида давлат бош ислотчи вазифини ўз зиммасига олиши лозимлиги борасида фикрлари тўғрисида Зеро, бозор иқтисодиётига ўтиш давлатнинг бевосита иштирокида амалга оширилди. Францияда ҳам 1945 йилда ва ундан сўнг маҳаллийлаштириш, режалаштириш, кредитлар ва нархлар устидан назорат ўрнатилганда шундай ҳолат кузатилган эди.

Шунингдек, Президент Ислам Каримов ўз китобида инқироз дунё ҳамжамиятининг бир қисми бўлган Ўзбекистонни айланган ўтиб кетмаслигини таъкидлаган. Шу билан бирга, у танг оқибатларнинг таъсири чекланганини, зеро, Ўзбекистонда уни бартараф этиш учун дастлабки шарт-

шароитлар мавжудлиги учун энгил кечини кўрсати беради.

Оқилона сиёсат туйғайли хорижий сармоялар узоқ муддатли устувор лойиҳаларга жалб қилинди. 2010 йилга келиб банклар капиталининг икки баробарга ошиши Ўзбекистон иқтисодиёти барқарорлигининг калитидир».

— 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг қабул қилиниши яна бир муҳим қадамдир, — дейди П. Шабаль. — Унда кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши, аминманки, Ўзбекистон Республикасининг бўҳрондан қутилиши ва самарали иқтисодиёт билан чиқишига хизмат қилади. Сиёсатшунос сифатида мен Ўзбекистон Президентини асарининг истиқболни белгилаш, қарорлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга жорий этиш каби уч томонлама жиҳатларини ҳам юқори баҳолайман.

«Объектор Текноложиз» компаниясининг Болтикбўйи ва МДХ давлатлари билан ҳамкорлиги ривожлантириш бўйича директори Н. Жиро эса кўйдаги мулоҳазаларни билдирди: «Президент Ислам Каримовнинг китоби билан танишиб, мен Ўзбекистоннинг ўз самарадорлигини исботлаган бозор иқтисодиётига ўтиш йўли тўғрисида амин бўлдим. «Янги ўйни қурмай туриб, эскирини бузма» тамойилига асосланган ушбу модель Ўзбекистон ҳукуматининг ислотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш орқали маъмурий-бўйрук-бозор тизимидан бошқарувнинг бозор муносабатларига ўтишидаги оқилона сиёсатидан далolat беради».

«Жаҳон» АА.

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ҳар бир соҳада олиб борилаётган изчил ислотлар ҳамда қабул қилинаётган қонунлар фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечирishларини таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва парламент юқори палатасининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва ундан кейинги давр учун белгилаб берилган асосий вазифаларнинг амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади.

ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ушбу Қонун мақсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш. Шунингдек, у амалдаги стандартлаштириш давлат тизимини такомиллаштириб, соҳадаги миллий қонунчиликни Бутунжаҳон савдо ташкилотининг «Савдодаги техник тўсиқлар» ва «Санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисида»ги битимлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро стандарт талаблари билан уйғунлаштирилади. Техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини ислот қилишдан мақсад тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш ҳамда бевосита инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ва экспортни кенгайтириш, бошқа мамлакатларнинг бозорларига чиқиш, инновацияларни рағбатлантириш йўли билан мамлакатимизни барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлашдан иборатдир.

Маъмур Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасининг асосий вазифалари ва принциплари белгилаб берилган. Жумладан, инсон ҳаёти ва

соғлиғи, юридик, жисмоний шахслар ҳамда давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофазга қилиш, тадбиркорликни ва хизматлар экспортини ривожлантириш мақсадида савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш кабилар мақсулот ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар ҳамда истеъмолчилар учун зарур қулайликларни яратди. Шунингдек, ушбу ҳужжатнинг 2-бобида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат Архитектура ва қурилиш, Табиати муҳофазга қилиш давлат қўмиталари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари ҳам белгилаб берилган.

Ҳозирги пайтда амал қилаётган стандарт ҳужжатлари мақсулотлар, ишлар ва хизматларга доир ўрнатилган ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий талабларни ўз ичига қамраб олган. Бироқ халқаро тажрибадан маълумки, мажбурий талаблар фақат инсон ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулк ҳамда атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш даражасида бўлиши ва бу талаблар алқоҳида

ҳужжатда берилиши белгиланган. Ушбу Қонунга асосан эса, маъмур талаблар техник регламента белгиланиши кўзда тутилган.

Техник регламент, бу — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги мақсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат. Унда мақсулотларни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташшиш, реализация қилиш ва утилизация қилиш жараёнларида инсон ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳитга, юридик, жисмоний шахслар ҳамда давлатнинг мол-мулкига зарар етказиши шунинг олди олиниши бўйича талаблар белгиланади. Мақсулотнинг конструкцияси ва бажарилишига доир талаблар эса ихтиёрийлики касб этади. Яъни, маълум бир мақсулотга оид қабул қилинган техник регламент амалга қилинганда, уша мақсулотга тааллуғли бўлган амалдаги стандарт талабларнинг бажарилиши тавсиявий характерга эга бўлиб, уларнинг ижроси ихтиёрий-

дир. Қисқача айтганда, мақсулот ишлаб чиқарувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар учун бажарилиши мажбурий бўлган талабларнинг қамалиши улар фаолиятини янада эркинлаштиришга ва кенгайтиришга олиб келади.

Шунингдек, техник регламента мажбурий талабларнинг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби ҳам белгиланади. Яъни, мақсулотлар, ишлар ва хизматларга оид мажбурий талабларнинг бажарилиши устидан назорат қайси давлат органи томонидан амалга оширилиши аниқ кўрсатилиши назарда тутилган. Бу назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини янада қамалтиради. Бундан ташқари, атамаларга, ўровидишга, тамга ва ёрликларга ҳамда уларни акс эттириш қондаларига ва мақсулотнинг идентификация қисмига доир қатор нормалар белгиланиши кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, мақсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги мақсадида истеъмолчиларни қалтирувчи ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу билан бирга, техник регламентада мақсулотлар, ишлар ва хизматларни техник

жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларининг халқаро таърибга асосланган ҳолда мувофиқлигини аниқлаш бўйича ҳам йўналишлар кўрсатилади. Бу эса бир хил ёндашувлар бўлиши ва мувофиқлики текшириш йўллари, усуллари, хулосаларини тан олиш бўйича давлатларaro битимлар тузишга имкон беради ҳамда савдодаги техник тўсиқларнинг қамалишига ва халқаро савдонинг энгиллаштиришга олиб келади. Бундан ташқари, ушбу Қонунда техник регламентларни ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш тартиби ҳамда соҳадаги ишларни молиялаштириш тўғрисидаги нормалар ўз аксини топган.

Демак, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни стандартлаштириш давлат тизимини такомиллаштириш билан бирга, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислотларни, бозор муносабатларини ривожлантириш ва жаҳон савдо тизимига интеграциялашув борасидаги устувор йўналишларни амалга оширишда катта ҳисса қўшади. Маъмур Қонунда белгилаб берилган асосий вазифаларни амалга оширишда, хусусан, техник регламентларни ишлаб чиқиш ҳужжатларини шакллантириш ва тасдиқлаш, экспорт комиссиялари ва кенгашилари ҳамда давлат фонди нормалари бўйича тартибларни ишлаб чиқишлари зарурдир.

Конун кучга кирди

бурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат. Унда мақсулотларни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташшиш, реализация қилиш ва утилизация қилиш жараёнларида инсон ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳитга, юридик, жисмоний шахслар ҳамда давлатнинг мол-мулкига зарар етказиши шунинг олди олиниши бўйича талаблар белгиланади. Мақсулотнинг конструкцияси ва бажарилишига доир талаблар эса ихтиёрийлики касб этади. Яъни, маълум бир мақсулотга оид қабул қилинган техник регламент амалга қилинганда, уша мақсулотга тааллуғли бўлган амалдаги стандарт талабларнинг бажарилиши тавсиявий характерга эга бўлиб, уларнинг ижроси ихтиёрий-

Колаверса, ҳозирги кунда стандартлаштириш тизимида амал қилаётган 40 мингга яқин стандартларни инноватга олган ҳолда, мақсулотлар, ишлар ва хизматларнинг фақат хавфсизлигига оид бўлган талабларни ажратиб олиб, техник регламентада акс эттириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни жадаллаштириш давр талабидир.

Шавкат КАРИМОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Огоҳлик

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазга қилиш вазирлигида «Қонуний меҳнат миграциясининг одам савдосига қарши курашишдаги аҳамияти» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Маъмур давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

ҚОНУНИЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ

ёхуд унинг одам савдосига қарши курашдаги аҳамияти

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазга қилиш вазири ўринбосари Ш. Саидов бошқарган аянҷманда таъкидланганидек, одам савдоси инсониятнинг ёвуз душмани. У инсонни осуда ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, бегона жойларда қул бўлиши маққум этади, баъзида эса инсон умрига эомин бўлади. Бу хилдаги жиноятларнинг кўпайишига фуқароларимизнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини билмасликлари, чет элларда ишлаш учун қайси ташкилот ёки муассасасига мурожаат қилиш лозимлигини тушунмасликлари ҳам сабаб бўлмоқда. Зеро, мамлакатимизда ташқи меҳнат миграцияси бўйича етарли қонун ҳужжатлари мавжуд. Айни пайтда маъмур қонун ва қарорлар ижроси юзасидан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон қатор халқаро ҳужжатларга қўшилган ва уларни ратификация қилган.

Анҷуманда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва фуқаролар орасида қонуний меҳнат миграцияси ҳақида тушунтириш ишларини амалга ошириш, уларнинг айнан шу йўналишдаги ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Мабодо, бирор киши бирон шох ёки фирмани чет элда ишга жўлаштириш тўғрисида тақвиф оладиган бўлса, энг аввало, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазга қилиш вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда Тошкент, Бухоро, Фарғона ва Қарши шаҳарларидаги минтақавий бюороларга барча саволлар билан мурожаат қилишлари зарурлиги айтилди. Бинобарин, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан 1995 йилдан 2008 йилнинг сентябрга қадар 28 мингга яқин фуқаро хориж (Жанубий Корея, Россия, Поляша ва бошқа давлатлар)га меҳнат қилиш учун юборилган.

Шунингдек, давра суҳбатида сўзга чиққанлар хотин-қизлар ўртасида ноқонуний меҳнат миграцияси, фуқароларни хорижга ишга юборишда эркин ўрлаш тизимининг тутган ўрни, ёшлар ўрталаш одам савдосига қарши курашишнинг мазмун-моҳияти, одам савдосига қарши курашда «Истиқболли авлод» ташкилотининг фаолияти, ички меҳнат миграциясини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ва бошқа қатор мавзуларда ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини, тақвифларини баён этдилар.

Шавкат ОРИҚОВ, Қобил ХИДИРОВ.

ОИЛА — ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

бошланган хайрли ишлар Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Қарияларни қадрлаш, Обод маҳалла, Меҳр ва мурувват, Сиҳат-саломатлик, Ҳомийлар ва шифокорлар, Ижтимоий ҳимоя, Ёшлар йилларида ҳам изчил давом эттирилди ва ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда. Шунингдек, ушбу ҳужжатнинг 2-бобида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат Архитектура ва қурилиш, Табиати муҳофазга қилиш давлат қўмиталари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари ҳам белгилаб берилган.

Ҳозирги пайтда амал қилаётган стандарт ҳужжатлари мақсулотлар, ишлар ва хизматларга доир ўрнатилган ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий талабларни ўз ичига қамраб олган. Бироқ халқаро тажрибадан маълумки, мажбурий талаблар фақат инсон ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулк ҳамда атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш даражасида бўлиши ва бу талаблар алқоҳида



Кеча пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Энг намунали тадбиркор оила» кўрик-танлов ўтказилди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу танловда беллашувини қўйи босқичларида толиб бўлган оилалар иштирок этди.

Танловда пойтахтининг Собир Раҳимов туманидаги Абдураҳман Қодиров оиласи энг намунали тадбиркор оила, деб топилди.

фатида қаралади. Ўзбекистон таъминотида ҳам оила — камолотнинг пойдевори. Шу маънода, келажак авлодини маънаван ва жисмонан етук инсонлар қилиб тарбиялаш вазифини энг аввало, оила зиммасига катта масъулият юклайди. «Қўш уқсида қўрғанини қилади», деган мақолнинг маъни ҳам шу.

— Иллатнинг илдизи беркочликда, деган ибратомуз гап бор, — дейди «Маҳалла» жамағатининг республика бошқаруви мутахассиси Г. Алимова. — Шу боис, оилалар тотувлигини сақлаш

ҳолда ишлаб, даромад топиши учун имкон берди. Иштиёзли кредитлар асосида уй-жойли бўлган ёхуд ҳўсуслиқ тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёш оилаларчи? Бугун уларнинг яшаш шариоитини қўрсангиз, ҳавас қиласиз.

Колаверса, мамлакатимизда оиланинг муваффақияти ёки аксинча, жанжалу келишим овчиликлари га эр-хотиннинг шахсий иши сифатида қаралмайди. Арзимаган муаммо туйғайли ажралишга қарор қилган эр-хотинни четдан туриб бепарво кузатишга йўл қўя олмаймиз. Шу боис, айни пайтда маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган қўллаб қўллаш борки, уларнинг ақсарияти бевосита оилаларни қўллаб-қувватлашга беминнат ҳисса қўйиб келмоқда.

Ҳа, тўқис бахт тушунчаси, асосан, оила бутунлиги, мустақамлиги, ўзаро тотувлиги, фарзандлар қамали билан белгиланади. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳайб бор экан, оила бор, оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо нэмат бор ва фарзанд бор экан, одамзод ҳаммиша эзу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Фаррух БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Харидорларга манзур

Бўз туманидаги «Холис-Ҳамкор-Текс» масъулият чекланган жамияти жамоаси трикотаж мақсулотлари қийимларини қайта ишлашни йўлга қўйди.

Қишлоқ мулкдорлари бўш ётган ерда мўъжаз цех ташкил этилди. Маҳаллий ёшлардан 22 киши муҳим иш жойига эга бўлди. Улар вилоятдаги энгил санат корхоналарида қийим сифатида ташлаб юборилаётган материалларни йиғиштириб олиб, бўз тўқий бошладилар. Жамият ишчилари тўқийган мақсулотлар харидорларга манзур бўлаётди.

О. ШОДНОМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Туризм сардаромад соҳа сифатида жаҳон иқтисодиётида муҳим ўрн эгаллайди. БМТнинг Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, дунё иқтисодиёти кўраётган даврада туризм, яъни 5,5 триллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ айнан ушбу соҳа ҳисобига шаклланади. Ўз навбатида, туризмга дахлдор инфратузилмаларда бугун 220 миллион нафардан ортиқ кишининг меҳнат қилаётгани ҳам унинг салоҳияти нечоғли юқсак эканини яна бир қарра тасдиқлайди.

Қўллаб давлатларнинг ошу нонига айланб қолган туризм бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида қандай ривожланмоқда, уни бу таназзулдан қараш учун нима қилиш керак, деган саволлар барчанга бирдек ўйлантiryиши аниқ. Аслида саволнинг бундай қўйилиши ҳам бежиз эмас. Чунки сайёҳлик иқтисодиётининг бошқа тармоқлари билан ҳамбарас бoғланиб кетганки, унинг тақдирини қўйишга бепарқара бўлмайди. Масалан, авиакатновлар, меҳмонхоналар бизнесида туризмнинг аҳамияти неҳоятда катта. Аммо инқироз ақсарит ривожланган давлатларда ишислар сонининг ортшиши, мавжуд иш жойлари барқарорлигига раҳна солди. Шундан бўлса кeрeк, халқаро сайёҳлик ташкилотлари ҳам соҳанинг «қора кун»ларини башорат қилишга тушишган. Хусусан, Жаҳон сайёҳлик ва туризм кенгаши туризм санаети доираси жорий йилда 3,5 фоизга қисқаришини маълум қилган. 2010 йил охирига бeрoб эса соҳада ишсиз қолганлар сони 10 миллион кишига етishi мумкинлиги вазиятнинг анчагина жиддий эканини кўрсатади.

Айни пайтда Хитойга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони 7 фоизга, Испанияда 16 фоизга қамайгани айтилмоқда. Бундай салбий ҳолат Италия, АҚШ, Таиланд ва яна бир қатор давлатларда ҳам кузатилган. Вазият сўнгги бир-икки йилда ўнганмаслиги, колаверса, ҳўкуматлар томонидан инқирозга қарши курашиш мақсадида ажратилаётган

лиядаги вазиятга баҳо бeрeр экан, шундай дейди: «Биз энг ёмон даврининг ўртасида туризм». Унинг бундай изох билдириши бежиз эмас. Чунки мамлакат туризм соҳаси даромади 5 фоизга тушиб кетган. Бу сўнгги

рихлик меҳмонларга қўшимча қулайликларни яратиб бeрishi. Масалан, сайёҳлик визаларини расмийлаштириш учун тўланадиган давлат божи тарифлари кeсoки қисқартирилди. Шунингдек, ҳаво йўллари, меҳмонхоналарда

Туризм: ЗАМОН ИШБИЛАРМОНЛИКНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

маблағлар туризмни четлаб ўтаётгани соҳа вакиллари хавотирини янада кучайтирмоқда. Шу боис халқаро туризм ташкилотлари давлатларга муттасил мурожаат этиш, иш ўринларини сақлаш ва соҳани ривожлантиришга жиддийроқ эътибор қаратишни сўрамоқда.

Албатта, айрим мамлакатлар соҳанинг истиқболини ўйлаб, тегишли чоралар кўрмоқда. Жумладан, Испания ҳўкумати туризм санаетини модернизация қилиш ва соҳадаги рақобатни кучайтиришга 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган. Ушбу мамлакатнинг Канар ороллари эса бу масалага янада жиддийроқ қарамоқда. Зeрo, туризм Канар ороллари ялпи худудий мақсулотининг 60 фоиздан зиёдини ташкил этади. Шу боис маҳаллий туризм кенгаши соҳа кадрларининг профессионал қўнимчаларини юксалтириш мақсадида турли семинар-тренинглар ўтказмоқда. Энг кизиги, ўқув машғулотлари, асосан, сайёҳлар билан муомала қилиш маданияти қаратилган. Дейлик, хориж-

лик меҳмонларни оролда мақсус автобусларда ёки таксиларда олиб юрганга тез ҳайдамаслик, ушбу транспорт воситаларида доимо ҳўшбўй ҳид таралиб туришига эътибор бeрishi, меҳмонхоналарда сайёҳларга самимий табассум билан хизмат қилиш кераклиги уқтирилмоқда. «Табассумнинг нархи жуда арзон, аммо у меҳмоннавозлиқнинг энг самарали йўлидир», дейишмоқда ташкилотчилар.

Италия эса бошқароқ йўл билан, яъни рекламаларга зўр бeрishi орқали инқироз даврида соҳанинг барқарор ишлашига эришмоқчи. Мамлакат миллий туризм кенгаши жорий йилнинг апрель ойидан 13 миллион АҚШ доллари қийматида тенг бўлган янги ташаббусни бошлади. «Янада кўпроқ Италия» деб номланган маъмур акция АҚШ, Канада, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлардан сайёҳларни янада кўпроқ жалб этишни назарда тутди. Миллий туризм кенгаши рақбари Маттео Марзотти Ита-

Шарҳ

Тадқири туризм билан бевосита бағлик бўлган авиакатновлар ҳам бугун маъмур соҳа сингарин бирдек зўн еткeвeтир. Халқаро ҳаво транспортини уюлмасининг маълумотларига кўра, дунё бўйича йўловчилар ташши ҳажми 5,7 фоизга қисқарган. Бу авиакатновлар миқдоридаги маблағни бой берди, дeгaндeр. Ўз навбатида, вазият тақозоси туйғайли сайёҳлик марказлари уюштирилаётган айрим катновлар бўйича йўналишлар вақтинча тухтатишмоқда.

Инқироз тобора чуқурашса-да, қатор давлатлар мавжуд сайёҳларни жалб этишда рағбатлантириш йўлидан борайтганини таъкидлаш кeрeк. Хусусан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари — Камбоджа, Малайзия, Таиланд, Вьетнам хо-

А. БОЛИЕВ.

Ватанимиз таракқиётига хизмат қиладиган ютуқларимиз, бойликларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлиши оловқалб ёшларимиздир.

Ислон КАРИМОВ

ЭНГ ГУЛЛАГАН

Бугуннинг ёшлари юрта эзгу ният билан бошланган ишларнинг давомчиси, озод ва обод Ватан келажигининг муносиб ворислари сифатида майдонга чиқмоқдалар. Навқирон ўғил-қизлар билим чўққиларини забт этиш, илму хунар ўрганиш, маданият, санъат

ЧОҒИМДА

ва спорт соҳаларида ютуқ ва муваффақиятларни қўлга киритиш учун астойдил интилаётир. Президентимиз таъкидлаганларидек, бугунги ёшларимизнинг гайрат-шижоатини, ўз кучига ишончини, элу юртидан гурурланиш туйғуларини кўрган, улкан мақсадлар билан яшаётганини кузатган ҳар қандай одам Ўзбекистоннинг келажиги чиндан буюк эканига ишонч ҳосил қилади. Саҳифамиз орқали ана шундай қатъиятли йигит-қизларнинг орзу-ўйлари-дан, ният ва интилишларидан воқиф бўласиз.



Ярашибдими?

Буюклар ёди

Она юрт эрки ва озодлиги йўлида азиз жонини-да аямаган, мардлиги, жасурлиги, юксак ақлу заковати ила ном қозонган буюк аждодлар бизнинг фахримиздир. Жалолиддин ибн Аловуддин Муҳаммад ана шундай тенгсиз жасорат соҳиби эди.

Мангуберди жасорати

Мохир саркарда йигирма уч ёшдаёқ Чингизхон қўшинларини тор-мор этишга муваффақ бўлган. Бундан аламзада Чингизхон Жалолиддинга қарши 45 минг кишилик қўшин жўна-тади. Аммо Фазна яқинидаги

Орадан бир неча кун ўтиб, ёш саркарда қўшини сони 7 мингга етди. Аммо Ҳиндистоннинг нотаниш қўлида саргардон жангчилар шашти паст эди. Бу ҳолдан фойдаланмоқчи бўлган Шат-



Парвон жангида Жалолиддин лашкари мўғуллар устидан ғалаба қозонади. Жангдан сўнг лашкари муваффақ бўлиб, қўшини тумтарақай қочади. Жалолиддин катта ўлжани қўлга киритган, ҳўкма вилотлар қўқимлари унга хайрихолик билдиришди.

1227 йили Син калъаси яқинида Чингизхон қўшинининг энг илгор қисмини тор-мор этди. Бироқ қўшин заифлиги сабаб Синд (Ҳинд) дарёси томон чекинади. Чингизхон қўшини Жалолиддиннинг дарёдан ўтмишига имкон бермайди. 1221 йил куздаги шиддатли жангга мағлубиятга учраган Жалолиддин душман қўлига асир тушгандан кўра, ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, дарёдан сузиб ўтмоқни афзал билади. Тўрт минг жангчиси билан Синднинг ўнг соҳилига сузиб ўтиб, чўл ичка-рисига кириб кетган унинг бу жасоратига тан берган Чингизхон шундай дейди: "Ота ўғил мана шундай бўлмоғи лозим! Менинг ҳам фарзандларим шундай жасур ва қатъиятли бўлса, армоним йўқ эди!"

Бор-йўғи ўттиз икки йил умр кўрган бўлса-да, юрт эрки ва озодлиги йўлида қўрсатган жасорати, ирода ва саботда тенгсиз хислатлари боис, Жалолиддин Мангуберди номи тарих зарфақларига ману муҳрланди. Зотан, бу ном биз, авлодлар учун ғинакам маънода фахр ва гурур тимсолидир.

Холида Комилова билан институт вақили сифатида Лондон дизайни коллежига боғландик. У ерда кўлаб янгиликлардан баҳраманд бўлдик, тахрибли муваффақ бўлиш билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйдик. Бу келгусидаги режаларимиз амалга оширишда ҳам қўл келишига ишонаман. Яқин келажакдаги режаларимга тўхталсам. Институтни тамомлагач, аспирантурада ўқиш ва илмий изланишни давом эттирмоқчиман. Бундан ташқари, соҳа бўйича ағалар билан билимларимни ёшларга ўргатиш истегим бор. Шу мақсадда "Фейшн-менежмент" соҳасида муваффақ бўлишга қўймоқчиман. Бир сўз билан айтганда, бугун эзгу ташаббусларни амалга ошириш учун юртимизда барча имконият етарли. Бизда эса фақат яратувчанлик йўли ва шижоат бўлса, бас. Қўзланган марраларга етишимиз, меҳнатга яраша рағбат топишимиз тайин.

ЗАМИРА АКРАМОВА, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси совриндори.



Тошкент тўқимачилик ва энгил санат институти магистрантиман. Шунинч мамнуният билан таъкидлашим жоизки, ушбу даргоҳга ўқишга кириб кам бўлмадим. Даставвал, институтнинг бакалавр босқичида ўқиш юрган кезларим иқтидорли талабалар учун стипендиялар танловида катнашдим. Унда икки йил кетма-кет голиб бўлиш насиб этди. Учинчи босқичда эса "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғармаларининг стипендиясини қўлга киритдим. Сўнг магистратурада ўқиш асносида Беруний номидаги давлат стипендияси учун ўтказилган танловда голиб деб топилдим. Эришган ютуқларим муносиб баҳолашиб, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига сазовор бўлдим.

Бу юксак рағбат, аслида, биз, ёшлар учун улкан масъулиятдир. Эеро, бундай беқисс ғамхўрликлар бизни янада шижоат билан интилиш, ўқиш, изланиш ва ташаббускор бўлишга ундамоқда. Айна пайтда илмий тадқиқот билан бандиман. Ишим мазмун-моҳиятига кўра, мода ва бизнес соҳасига дахлдор. Негаки, бугун либос вратиш учун фақат санъаткорона маҳоратнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу борада санат ва ишлаб чиқариш соҳаси ривожига жиддий аҳамият бериш, харидорларнинг маъсулота бўлган талаб ва тақлифи борасида эътиборли бўлиш ҳам лозим. Шу боис ҳозир мода санати таракқиёт этган бир қатор мамлакатларда янги бир соҳа — "Фейшн-менежмент" бўйича малакали мутахассислар фаолият кўрсата бошлади. Бу би-

Интиланганга толе ёр

лан тайёрланаётган махсулот сифатини янада яхшилашга, ушбу соҳада фаолият юритаётган фирма ва компанияларнинг бизнесдаги улушини оширишга эришилаёпти. Энди тадқиқотимнинг аҳамияти хусусида тўхталсам. Магистрик диссертациямда ипак матолардан қўлаб ва бежирим, бир вақтинч ўзида бир неча илм тусга кириши мумкин бўлган, соғлигимизга зарар ет-

Ният

этса, ушбу коллекция юртимизда ўтказилган намуналарда фестивалларида намойиш этилади. Уни яратишда хорижий танкили мода усталарининг иш усули билан яқиндан танишганим ақоиди. Чунки ақндагина институтдаги устозим

Бебаҳо ўғит қадри

Киши ҳаётида унутилмас дамлар, ёдда қоларли воқеалар кўп бўлади. Ўтган йили ўзимни синаб кўриш мақсадида "Келажак овози" кўрик-танловига иштирок этдим.



Танловнинг "Бадий ижод ва публицистика" йўналишига ватанпарварлик, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш маъносида юзга яқин мақолаларимни тақдим этдим. Ҳал қилувчи босқич голиблари номи эълон қилинганда маҳал хаяжонимнинг чеки йўқ эди. Не бахтки, "Келажак овози — 2008" голиблари сафида менинг ҳам номим

кайд этилди. Жуда бахтиёр эдим. Шу қувончли лаҳзаларда, энг аввало, онамин уйладим. У кишининг бу муваффақиятимдан қанчалар хурсанд бўлишини кўз ўнгимга келтириб, юрагим орақарди. Аслида, мени журналистика соҳасига қизиқтирган, ижодга меҳр қўйишимга сабаби ҳам онажоним бўлади. Улар ҳаммиси "Элга ҳалол хизмат қилгин, юртга содиқ, фидойи фарзанд бўлгин, ана шунда ҳаётда ўз ўрнигинг топсан, қадрли бўласан",

деб уқтиришдан чарчамайди. Танловда голиб бўлганимни эшитган, бу қимматли ўғитларга амал қилиб, хато қилмаганимни илк бор ҳис этгандим. Албатта, бу ютуқ мен учун бир дебона, холос. Янги марралар, муваффақиятлар ҳали олинди. Ниятим, келгусида билим ва иқтидоримни ишга солиб, янада юксакроқ натижаларга эришиш, юрт равнақига ҳисса қўлиш, Юртошимиз ишончга муносиб фарзанд бўлишим.

ФИРДАУСИ ЖАББОРОВА, "Келажак овози — 2008" кўрик-танлови голиби. Қашқадарё вилоти

Мамлакатимизда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Шу боис юртимизда кўпгина иқтидорли йигит-қизлар кашф этилмоқда. Қорақалпоғистонлик Қумар Бегниёзова ҳам ана шундай истеъдод эгаларидан бири.

Нурафшон орзулар оғушида

Тахтақўлрдаги узок овулда туғилган Қумар болалигиданок адабиётга меҳр қўйди. Фарзандида илм ва адабиётга чеқис меҳрини илганган ота-она — Алаберган ака ва Зағайпа опа унинг пухта билим олиши ҳамда ижодий изланишлари учун қўлларидан келган шароитни яратиб бердилар. Табиийки, бу ўз самарасини кўрсатиб, Қумарнинг қатра ва ҳижоатлари маҳаллий газеталарда тез-тез эълон қилина бошлади.

Эттирди. Айна пайтда бадий адабиёт билан жиддий шуғуллана бошлади. Натижада "Хат" ва "Балалик хотиралари" китоблари нашр этилиб, китобхонлару адабиётшунос-

Истеъдод

лар томонидан яхши баҳоланди. Бу эса уни янада кўпроқ изланишга ундади. — Қумар Бегниёзова жамоада ўз ўрнига эга, — дейди Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей директори Барлиқбой Пренов. — Чунки у "Келажак овози", "Наврўз ва қадриятлар" ҳамда "Инсон ва жамият" танловларида совриндор бўлиб, кўпнинг хурмати қозонди. Яқинда Зулфия номидаги Давлат мукофоти лойиқ қўрилганлиги эса нур устига аъло нур бўлди. Бу ха-

барни эшитганимизда, қанчалик қувонганимизни билсангиз эди... — Муваффақиятларда устозларимнинг ҳиссага катта ҳисса қўлишлари шижоат, шунингдек, Президентимизнинг биз, ёшларга ғамхўрлиги истеъдодли йигит-қизларнинг юзага чиқишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай юксак эътибор кишига катта масъулият қўлайди. Дарҳақиқат, шундай! Мустақил юртимизда истеъдод соҳиблари иззат-хурмат томоқда. Мухими, иқтидорлилар ҳукумат даражасида тақдирланиб, бу ғамхўрликлар уларнинг келгуси ҳаёт йўлини ёритмоқда. Қумар Бегниёзованинг ҳам бу муваффақияти унинг келажакдаги нурафшон этса, не ажаб.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тил билган — эл билади

Яқиндагина мактабини тамомлаб, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейда таълим ола бошладим. Инглиз, турк ва араб тилларини пухта ўзлаштириб, келгусида етук, маҳоратли таржимон бўлоқчиман. Шу мақсадда ушбу ўқув даргоҳини танладим. Зеро, тил билган — эл билади, дейди халқимиз. Лицейда замонавий таълим стандартлари асосида билим олаётимиз. Устозларимиз бизга нафақат хорижий тилларни ўрганишимиз, балки таржимонлик маҳорати, дипломатик алоқалар олиб бориш маданияти борасида ҳам мукамал тушуна беришди. Бундан ташқари, лицейимизда замонавий ахборот-ресурс маркази, лаборатория хоналари, компьютер техникаси, семинар-тренинг машғулотлари учун ажратилган махсус аудиториялар мавжуд. Буларнинг бари бизнинг пухта билим олишимиз учун хизмат қилаёпти.

Дарс машғулотлари жараёнида эркин баҳо-мунозарарга киришиш, турли интеллектуал ўйинларда иштирок этиш, мавзу юзасидан аудиториянинг диққат-эътиборини жалб эта оладиган қизиқарли маърузалар тайёрлаш учун тинмай ўқи-изланишимизга тўғри келади. Бу эса бизнинг беҳуда юмушга вақт сарфлаш учун имконимиз йўқлигини аниқлатади. Энг муҳими, билим олиш, эртанги мустақил ҳаёт йўлимизни ўзимиз йўлга қўйишимиз учун фақат бугун имконимиз борлигини яхши англашимиз. Негаки, эртага қай бир касб соҳиби бўлишимиздан қатъи назар мустақам билим ва кенг дунёқарашга эга бўлиш билан бирга ўтаётган ҳар бир дақиқамиз қадрини ҳам англашимиз даркор.

ФЕРУЗА ИСМОИЛОВА, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей ўқувчиси.



Аҳд

Мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Президентимизнинг Хотира майдонида туриб, ёшлар ҳақида айтган сўзлари бизга катта гурур бахш этди.

Ишончга муносиб бўламиз!

Бу мушоҳадалар юртимизнинг порлоқ истиқболи йўлида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар борасида биз, ёшлар зиммаимиздаги масъулиятни янада чуқурроқ англаб етишимиз учун аниқ кўрсатма ҳамдир.

Президентимизнинг сўзларини тинглаб, ота-болаларимиз бугунги фаровон ҳаётимиз, юртимизнинг эркин ва озод бўлиши, миллатимиз ор-номусини ҳимоялаш, Ватанимизнинг шон-шуратини юксалтириш йўлида нечоғли заҳматлар чеканлигини янада теран ҳис этдим. Шу йўлда жон фидо этиб, қаҳрамонлик кўрсатган аждодларимиз ёди ҳар биримизнинг юрагимиздан жой олса ва биз ўз-ўзимизга савол берасок: ота-болаларим эл-юрт учун ўзини аямасдан, бугунги оқсоқил ҳаётимиз учун шундай катта хизмат қилганликлари аён. Шундай экан, бизнинг ҳам улардан ибрат олиб, эзгу ва хайрли юмушларга ўз ҳиссамизни қўшишга қурб-қудратимиз етадими?

Узоққа бормайлик, бугун мустақил диёримизда нақирон йигит-қизларнинг мустақам билим олиши учун беқисс шарт-шароит яратилган. Таълим тизими ривожига миллиардлаб маблағ сарфланмоқда. Ёшлар иқтидорини юзага чиқариш мақсадида кўпгина ижтимоий лойиҳалар амалга ошириляётир. Шу боис ҳар биримиз ҳеч қандам кам бўлмай яшаш, озод ва обод келажак қуришда асосий куч бўлиб майдонга чиқаётганимизни дилдан ҳис этиб, унга муносиб бўлишга интилоқдамиз.

Шубҳасиз, бундай ўй-мушоҳадалар бизни атрофга теранроқ назар ташлаб, улғу мақсадлар йўлида дадил одимлаётган юртимизнинг эртанги кўни, тақдирини учун қайғурадиган муносиб фарзанд бўлиб камол топтоғимизда катта туртки бўлади. Мазкур ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, ишонтириб айтганимизки биз, албатта, Ўзбекистонимизнинг буюк келажиги йўлида бор имконият ва салоҳиятимизни ишга солашим.

ЮЛДУЗ ФАЙЗИЙ, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.

Ақл ёшда эмас...

- Абу Али ибн Сино ўн беш ёшдаёқ табиб сифатида доврўқ қозонган.
- Амир Темури саркарда бўлиб ном қозонганда ҳали ўлттизга ҳам қирмаган эди.
- Мирзо Улуғбек ўн беш ёшга қадам қўйганида ўз лаврининг етук олим, моҳир сарбози эди.
- Газал мукаммал сўзлари Ашиер Навоий Фаридиддин Атторнинг "Ман-тик ут-тайр" асарини олти-етти ёшдаёқ ўқиганга тушган.
- Заҳириддин Муҳаммад Бобур газал машқини бошлаганда етти ёшда, Андижон тахтига ўтирганда эса ўн икки ёшда эди.



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, классер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ: 233-70-33. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ ФАКС 236-36-48. E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Т — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ; Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котиббат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар **Жамшед Тоғоев** ва **Муҳаммадали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона мазлили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА яқуни — 21.10 Топширилди — 23.35

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — Ю. Буранов. Мусоҳиҳ — Ҳ. Топхўжаев.

8